

## МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МАРКАЗЛАРНИНГ “ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ”НИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Шарипов Шахриддин Зиядуллаевич

Ўзбекистон-Финландия педагогика институти ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикасида истиқомат қиласидан турли миллат ва элатларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий, маънавий-маърифий ҳаётида иштирок этишини таъминлаш миллий-маданий марказлар фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Шунингдек, барча миллат ва элатлар саъй-ҳаракатларини мамлакат суверенитетини мустаҳкамлаш ва барқарор ривожлантириш, давлатнинг худудий яхлитлигини мустаҳкамлаш мақсадларига эришиш ғояси атрофида бирлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини, демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш жараёнларида уларнинг фаол иштирокини таъминлаш, миллатлараро муносабатлар, чет мамлакатлар билан дўстона алоқаларни янада ривожлантириш, уларнинг тили, маданияти, анъаналари ва урф-одатларини сақлаш ва ривожлантириш, турли тиллардаги оммавий ахборот воситалари ривожини қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистонда яшаб ўтган ва истиқомат қилаётган, жаҳон цивилизациясини ривожлантиришга бебаҳо ҳисса қўшган атоқли намояндалар маънавий-маданий ва илмий меросини тарғиб қилувчи материалларни нашр этиш, «халқ дипломатияси» механизmlаридан фойдаланиш орқали хорижий мамлакатларнинг фуқаролик жамиятлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ва дўстликни мустаҳкамлаш, хорижий мамлакатларнинг мамлакатимизда фаолият юритаётган ташкилотлар ва дипломатик ваколатхоналар билан «халқ дипломатияси» асосида алоқа ўрнатиш ва уни изчил ривожлантириш, мамлакатда яшаётган миллатларнинг тарихий ватанлари билан дўстлик, ҳамкорлик, маданий-маърифий алоқалар ўрнатиш<sup>1</sup> миллий-маданий марказларнинг асосий вазифалари бўлиб ҳисобланади.

Ушбу мақсад ва вазифаларга эришишда миллий-маданий марказлар мусиқа, театр студиялари, она тили, тарих, ёзув, адабиёт, халқ оғзаки ижоди, театр ва рассомчилик санъати, миллий урф-одатлар ва ҳунармандчилик, миллий спорт ўйинларини ўрганиш, миллий маданият, тил, миллий урф-одатларни ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадларида семинарлар, конференциялар, давра сұхбатлари, фестиваллар ва учрашувлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 24 январда Республика байналминал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишлиланган учрашувда сўзлаган нутқида “Мамлакатимизда этник ўзига хосликни ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда 137 та

<sup>1</sup> Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати Концепцияси // <https://lex.uz/uz/docs/4597662>

миллий-маданий марказ етакчи роль ўйнамоқда. Улар ўзларининг ўзига хос маданияти, тили, халқ хунармандлигини ривожлантириб, турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитишига, ҳар биримизда қўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Республика байналминал маданият маркази уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб, амалий ва услугий ёрдам бератгани алоҳида дикқатга сазовордир.

Марказ мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилаётган ёрқин тадбирлар асосида маданий ва ижтимоий ҳаётимизни янада теран маъно-мазмун билан бойитмоқда, Ўзбекистонда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик ва бағрикенглик муносабатларини мустаҳкамламоқда. МДҲ давлатлари ўртасида факат Ўзбекистонда шундай тузилма ташкил этилгани эътиборга лойиқдир.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар соҳасида нодавлат ташкилотларнинг ноёб тизими шаклланганидан далолат беради. Ушбу ташкилотларнинг серқирра фаолияти мамлакатимизда тинч ва фаровон ҳаётни таъминлаш, муҳим маданий-маърифий вазифаларни ҳал этиш, шунингдек, хорижий давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда”, деб таъкидлади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Ўзбекистонда бир оила бўлиб истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари турли соҳа ва тармоқларда ўз меҳнатлари билан ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуришга ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг қўпчилиги фидокорона меҳнатлари давлат томонидан муносиб раҳбатлантирилиб, мустақиллик йилларида миллий-маданий марказларнинг 120 дан ортиқ фаоли давлат мукофотларига сазовор бўлди, орден ва медаллар билан тақдирланди, жумладан, 14 нафарига «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвони берилди. “Уларнинг орасида Навоий вилояти Конимех туманидаги қорақалпоқ миллий-маданий маркази фаоли Нуркул Базарбаева, Республика байналминал маданият маркази директорининг ўринbosари Сергей Миронов, Тошкент вилояти Янгийўл тумани татар миллий-маданий маркази раиси Анися Гатауллина, Сирдарё вилояти рус миллий-маданий маркази раиси Файна Голубцова, Хоразм вилояти қозоқ миллий-маданий маркази раиси Пўлатбек Изюмов, Жizzах вилояти корейс миллий-маданий маркази раиси Олег Ким, Фарғона вилояти яхудий миллий-маданий маркази раиси Семён Абдураҳмонов, Тошкент шаҳридаги литва миллий-маданий маркази раиси Лидия Довидайтис, Самарқанд вилоятидаги немис миллий-маданий маркази раиси Наталья Кайзер, Нукус шаҳридаги «Славутич» украин миллий-маданий маркази раиси Ольга Миронец, Қашқадарё вилоятидаги тожик миллий-маданий маркази раиси Абдурасул Эргашев, Тошкент шаҳридаги «Свитанак» белорус миллий-маданий маркази раисининг ўринbosари Нина Шубникова, Қашқадарё вилоятидаги араб миллий-маданий маркази раисининг ўринbosари Ниёзмуҳаммад Панжиев, Бухоро вилоятидаги турк миллий-маданий маркази раиси Жума

Шукуров, республика озарбайжон миллий-маданий марказининг «Озарбайжон қизлари» ансамбли бадиий раҳбари Кайкеп Алиева, Қорақалпоғистон Республикаси туркман миллий-маданий маркази фаоли Аразмухаммет Абаев, Андижон вилоятидаги қирғиз миллий-маданий маркази фаоли Умутхон Маматалиева, республика арман миллий-маданий маркази фаоли Георгий Сааков ва бошқалар бўлиб, мамлакатимизни ривожлантиришга, унинг маънавий ва инсонпарварлик асосларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда”<sup>2</sup>.

Хулоса қилиб айтганда ўз меҳнат фаолияти билан бирга турли худудлардаги миллий-маданий марказлар фаолиятида фаол иштирок этаётганлар «халқ дипломатияси» механизми асосида тинч ва фаровон ҳаётни асраш, хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш, чет элдаги ҳамюртлар билан яқин ва ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйишга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган миллий-маданий марказларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрида жойлашган бўлиб, уларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда туманлар бўлимлари ҳам ташкил этилган. Худудлардаги маданий марказлар ўз фаолиятини марказий бўлимлар иш фаолияти асосида олиб борадилар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишлиланган учрашувдаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/198> (29.01.2018)